



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 2 (12.063)

Баҳоси эркин нарҳда

**«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси тизимидаги «Neo sun Light» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган энергия тежовчи лампалар сифати ва рақобатбардошлиги билан харидорини топмоқда.**

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

Замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган мазкур лампалар узоқ муддат хизмат кўрсатиши ҳамда тежамкорлиги билан ажралиб туради.

Бугунги кунда қўшма корхонада энергия тежовчи лампаларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ишлари ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Йилига 7 миллион дона энергия тежовчи лампа ва саккиз турдаги ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхонада 350 киши иш билан таъминланган бўлиб, уларнинг аксариятини ёш йигит-қизлар ташкил этади. Ишлаб чиқариш жараёнида одам ҳаёти ва саломатлигига зарар етказиш хавфи ниҳоятда кам бўлган хом ашё ва материаллардан фойдаланилаётганлиги маҳсулот сифатини ошириб, харидорлигини таъминламоқда. Мухими эса тадбиркор жамоа аҳли ўз маҳсулотлари билан энергия тежамкорлигига муҳим ҳисса қўшмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучларини ислоҳ этиш, ихчам ва тез ҳаракатланувчи, замонавий қурол-аслаҳа ва техникага эга бўлган профессионал армияни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда соҳа учун юксак интеллектуал салоҳиятли, жисмонан бақувват ва зарур билимларни пухта эгаллаган кадрлар тайёрлаш масаласи асосий устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Шу мақсадда юртимиздаги олий ҳарбий билим юртли, ҳарбий йўналишдаги академик лицейлар фаолияти такомиллаштирилиб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Миллий армиямиз учун жисмоний ва маънавий етук кичик командирлар тайёрлашга ихтисослашган сержантлар мактаблари ташкил этилди.

Марказий ҳарбий округнинг 2001 йилда ташкил этилган сержантлар мактабида ҳам айни

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдида

## АРМИЯМИЗНИНГ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

**Марказий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактабида миллий армиямиз учун ҳар жиҳатдан етук кадрлар тайёрланмоқда.**

пайтда бир неча йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

– Бугун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган сержантларга давлатимиз раҳбари томонидан юксак ишонч билдирилиб, улар зиммасига армиямизнинг чинакам таянчи ва суюнчи бўлишдек улкан масъулият юкланган, – дейди Сержантлар тайёрлаш мактаби бошлигининг

ўринбосари, офицер Бахтиёр Валиев. – Бу мақсадга эришишда сержантлар тайёрлаш мактаблари муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мазкур муассасаларга энг муносиб номзодларни танлаб олиш ва уларни замон талаблари даражасида, маҳсус ўқув дастурлари асосида ўқитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## «КОРЕЯ ТАЙМС»: «КОНСТИТУЦИЯ – МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК АСОСИ»

**Яқинда Жанубий Кореяда чоп этиладиган «Корея таймс» газетаси саҳифасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини мавзусига бағишланган «Конституция – миллий давлатчилик асоси» сарлавҳали мақола босилиб чиқди.**

Мақолада Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва ривожланган фуқаролик жамиятини барпо этишга киришгани қайд этилади. «1992 йил 8 декабрда қонун чиқарувчи олий орган томонидан Асосий қонун – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган бунга имкон берди, деб ёзади газета. Шу тариқа Ўзбекистон тарихида илк бор Конституция инсон манфаатлари устуворлиги, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари эътироф этилиши нуктаи назаридан ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва бошқаришга киришди».

«Корея таймс»да таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосида ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таянган давлат ва жамият қурилишининг янги тамойиллари ётгани ҳолда, ўнда миллий анъана ва маданий ўзага хосликлар акс этган ҳамда бу борадаги жаҳон тажрибаси ҳисобга олинган. «Мамлакат Асосий қонуни халқаро ташкилотлар ва дунёнинг етакчи демократик давлатлари томонидан юқори баҳоланди», деб ёзади нашр.

Мақолада тасдиқланишича, Ўзбекистон Асосий қонунини халқ ҳокимияти, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, давлат суверенитети, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этилиши, сиёсий плюрализм, иқтисодий фаолият шакллари хилма-хиллиги, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятидаги тенг ҳуқуқли иштироки сингаи демократик конституциявий қурилиш тамойилларининг яхлит тизими муҳрлаб қўйилган.

(Давоми 2-бетда)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Республика Адлия вазирлиги томонидан Тошкент вилоятида вилоятдаги маҳаллий ижроия ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар мутасаддилари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида давлат органлари фаолиятида қонунчилик талабларига риоя этилишининг долзарб масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

● Наманганда шаҳарнинг экологик мусавволиги ва тозаланиши сақлаш, бу вазифага кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, айниқса, ёшлар ўртасида экологик тарбияни кучайтириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

● Фарғона туманида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Шухрат» корхонаси иш бошлади. Корхона жамоаси ўтган қисқа муддат ичида Шохимардон ва Ёрдон қишлоқлари аҳолисига 350 тоннадан зиёд маҳсулот етказиб берди.

● Томди тумани марказида лойиҳа қиймати 3,5 миллиард сўмлик замонавий шифохона мажмуасининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Бу ерда «Хитрининг» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ҳозир ушбу мажмуада жаррохлик, болалар, ички касалликлар, тез тиббий хизмат каби бир қатор бўлимлар фаолият кўрсатмоқда.

● Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган анъанавий «Нон байрами»да вилоятнинг шаҳар ва туманларидан келган новвойлар ҳамда корхоналар ўзлари тайёрлаган «Гала Осиё», «Пўлоди», «Жиззали», «Пилёзли» каби нонларнинг бир неча ўнлаб турлари билан қатнашдилар.

## ЖАҲОНДА

● Марокаш қироли ҳукуматнинг янги таркибини эълон қилди.

● Кеча Мисрда парламент сайловларининг учинчи босқичи бошланди.

● 2011 йилнинг декабрь ойида Германияда ишсизлик даражаси 6,8 фоизга ошди.

● Кеча Хитойда рўй берган йирик йўл-транспорт ҳодисаси натижасида 13 киши ҳаётдан кўз юмди, 41 нафар одам эса турли даражадаги тан жароҳатлари олди.

● Кеча Афғонистонда амалга оширилган бир неча террорчилик ҳаракатлари натижасида 13 киши ҳалок бўлди.

● Таъкидлаш керакки, ўтган 2011 йилда тиббиёт соҳасидаги энг муҳим воқелик ОИТС хасталигига қарши препаратнинг муваффақиятли синовдан ўтказилгани бўлди. Қувонарли томони шундаки, текширувлар якунида нафақат бу огир хасталик билан касалланган беморга ёрдам бериш, балки, вируснинг инсон танасида тарқалишини тўхта-тиш ҳам мумкинлиги маълум бўлган.

## Муносабат

## МАТБУОТИМИЗ РИВОЖИГА ҒАМХЎРЛИКНИНГ АМАЛДАГИ ЯНА БИР ИФОДАСИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида миллий журналистикамиз тараққиётига, ахборот эркинлигини таъминлашга, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва фикрларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабатини эркин ифода этадиган

минбарга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мустақиллигимизнинг илк кунларидан миллий гоёни шакллантириш, овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек буюк мақсадимизни ҳар бир юрдошимизнинг онгида, маънавий оламида чуқур қарор топтиришда миллий матбуоти-

миз ҳам салмоқли вазифаларни бажариб келмоқда. Одамларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг дунёқараши тобора ўзгариб, уларнинг онгу тафаккури юксалиб, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги, дахлдорлик туйғуси ошиб бораётганида оммавий ахборот воситаларининг ҳам ўз ўрни ва таъсири бор.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўнга яқин қонун ҳужжатлари фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини рўйбга чиқариш, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашда муҳим қарор бўлиб хизмат қилмоқда. Қонун ҳужжатларининг давр руҳига ҳамроҳанг тарзда такомиллашиб бораётгани оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, соҳадаги демократик ислохотларни тобора чуқурлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** 1-Тошкент тиббиёт коллежида Республика «Оила» илмий-амалий маркази ходимлари

иштирокида Мустаҳкам оила йили муносабати билан «Оила-муқаддас даргоҳ» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўли-

ми томонидан Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицейда «Ватан химоячилари кунини» ҳамда Ўзбекистон Қуролли кучларининг 20 йиллиги олдида «Ватанимиз, халқимиз ўз посбонларига ишо-

нади» шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

✓ **КАМОЛОТ** ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан жойларда «Камолот» билан Янги йил» лойиҳаси ўтказиб келинмоқда.



**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Президентимиз Ислам Каримов томонидан парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида ҳам муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу йўналишда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқини янада кенгроқ рўйбга чиқариш учун имкон яратиш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустақам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга хизмат қилади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 30 декабрда имзоланган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарори миллий матбуотимиз ривожига бўлган улкан эътибор ва гамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Ушбу қарорга мувофиқ, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб оммавий ахборот воситалари тахририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имкониятлари чекланган

шахслар (кўзи ожизлар, кар-соқовлар ва бошқалар) учун адабиётларни сотишдан олинган фойдадан фойда солиғини ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан беш йил муддатга озод этилди.

Тахририятлар, нашриёт ва босмаҳоналар оммавий ахборот воситаларининг махсулотлари,

Оммавий ахборот воситалари тахририятлари, нашриётлар, телерадиозшиттириш компаниялари ва полиграфия ташкилотлар оммавий ахборот воситалари ва китоб махсулотлари ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган қоғоз, полиграфия материаллари ва ахборот сақлаш мосламалари, ускуналар бўйича божхона тўловларидан беш йил муддатга озод этилган, оммавий ахборот воситалари ва китоб махсулотларини етказиш бериш хизматлари қўшилган қиймат солиғига тортилмаслиги ҳам уларга катта молиявий ёрдам бўлиши шубҳасиз.

Бундай имтиёзлар албатта оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш учун молиявий шароит яратиши, соҳа ходимларининг даромадини, моддий фаровонлигини ошириш билан бирга, бошқа бир қатор соҳа ва тармоқлар ривожига ҳам катта таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

Бу каби гамхўрлик биз, соҳа ходимларидан юксак масъулиятни, ижтимоий-маънавий бурчни астойдил ҳис этишни, Ватанимиз, халқимиз манфаатларининг том маънодаги ҳимоячилари бўлишни, янгиланиш жараёнларининг мазмун-моҳиятини халқимиз, кенг жамоатчиликка холисона, тезкор ва ишончли тарзда етказишни талаб этади.

**Шерзод ҒУЛОМОВ,**  
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий**  
**уюшмаси раиси**  
**(ЎЗА)**

**МАТБУОТИМИЗ РИВОЖИГА**  
**ГАМХЎРЛИКНИНГ**  
**АМАЛДАГИ ЯНА БИР**  
**ИФОДАСИ**

китоб махсулотларини сотишдан ва уларнинг нусхаларини кўпайтириш бўйича хизматлардан олинган даромадлар қисмида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинган уларнинг ихтиёрида кўплаб қўшимча маблағлар қолишига хизмат қилади.

**Ўзбекистон**  
**Республикаси**  
**Президенти ҳузуридаги**  
**Давлат ва жамият**  
**қурилиши академиясида**  
**ЮНИСЕФнинг**  
**Ўзбекистондаги**  
**ваколатхонаси билан**  
**ҳамкорликда ресурс**  
**маркази ташкил этилди.**

**2012 йил — Мустақкам**  
**оила йили**

**ЯНГИ РЕСУРС**  
**МАРКАЗИ**

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда мазкур академия тингловчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, ҳуқуқшунослар ва журналистлар иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофизат қилиш, болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жисмонан соғлом, интеллектуал салоҳияти ва маънавияти юксак авлодни камолга етказиш борасида мукаммал тизим яратилган. Бунинг самаралари халқаро жамоатчилик томонидан ҳам кенг эътироф этилаётган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилаётган тиббий, таълим, бадиий ижодий, спорт-соғломлаштириш масканлари миллий генетикани янада мустақамлаш, ёшларга пухта билим ва тарбия бериш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Бу йўналишдаги ишларимиз жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари учун намуна сифатида эътироф этилмоқда.

Янги ташкил этилган ушбу ресурс маркази болалар ҳуқуқлари ва фаровонлиги масалалари бўйича давлат хизматчиларини тайёрлаш, уларнинг билимини изчил ошириш, мутахассислар ва жамоат ташкилотлари вакилларининг мазкур йўналишда фикр алмашишида янги имкониятлар яратади.

Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш учун зарур барча шароит ва имкониятлар мавжуд, — дейди ЎЗА муҳбирига ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Жан-Мишель Дельмот. — Президент Ислам Каримов ташаббуси билан 2012 йилнинг Ўзбекистонда Мустақкам оила йили, деб эълон қилиниши бу йўналишдаги эзгу ишлар қўламини янада кенгайтиради. Янги ташкил этилган ресурс маркази эса олимлар, экспертлар, соҳа вакиллари иштирокида бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ёш авлод таълими, уларнинг саломатлигига оид турли учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказишда алоҳида аҳамият касб этади.

Тадбир доирасида Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини таъминлашда доир ишларнинг юксак самаралари ахс эттирилган фотосуратлар кўргазмаси намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА**



Шунингдек, тадбиркорларимизга яратилган кенг имкониятлар боис янги иш ўринлари кўпайиб, шу асосда аҳоли даромадлари ҳам ортиб бормоқда. Мана шундай имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда иш юритаётган «REZALIT COLOR» масъулияти чекланган жамиятида йил сайин янги лойиҳалар амалга оширилиши натижасида, махсулот турлари кўпаймоқда. Энг муҳими эса талаб юқори бўлган корхонанинг юксак сифатга эга «Rezalit» савдо белгиси билан тайёрланаётган лок-бўёқ махсулотлари Европа андозаларига жавоб бериб, экологик ва бошқа жиҳатлари билан махсус сертификатга эга.

— Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, — дейди корхона директори Аваз Каримов. — Бунда, албатта юқори сифатли қурилиш ашёларига бўлган талаб ҳам ортиб бораверади. Биз ана шундай махсулот турларини буюртма асосида юртимиздаги қурилиш ташкилотлари ҳамда фирмаларига етказиб бераёلمиз. Уларнинг талабини ўрганган ҳолда янги лойиҳалар устида изланиб, махсулотнинг рақобатбардор турларини кўпайтириб бораёلمиз. Айни пайтда 45 нафар малакали мутахассис жамланган жамоамизда 40 турдан зиёд

қурилиш ашёлари ишлаб чиқарилмоқда. Энг асосийси эса илгор технологиялар бўйича тайёрланаётган махсулотларимиз сифатини таъминлашда цехларимизга ўрнатилган Германиянинг «Glarant OMBN» компаниясининг юқори унумли замонавий ускуналари қўл келади. Шунингдек, махсулотларимиз сифати текшириладиган лабораториямизнинг тажрибали мутахассислари ҳам замонавий техника ва ускуналар ёрдамида изланишлар олиб боришмоқда. Бу эса махсулот сифати ортиси, турлари кўпайишига муҳим рол ўйнамоқда. Тобора дид ва талаби ортиб бораётган харидорларни жалб этиш учун фаолиятимизни тақомиллаштиришга, бозорни тинмай ўрганишга интиляёلمиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айни пайтда қурилиш материаллари бозорида мустақам ўринга эга бўлишга интиляётган мазкур корхонада тайёрланаётган махсулотлар Марказий Осиё иқлим шароитига мослиги ва универсаллиги билан ажралиб туради. Лок-бўёқлар, пардозлашда қўл келадиган елимлар, турли хил қуруқ қурилиш қоршамаларидан бина фасадлари, интерьерлари, гишт, ёғоч, бетон ва деворларни бўяшда, пардоз беришда фойдаланилапти.

**Тадбиркорлик**  
**ЖАҲОН**  
**АНДОЗАЛАРИГА**  
**МОС**

**Бугунги кунда мамлакатимизда**  
**мулкдорлар учун яратилган ҳар**  
**томонлама шарт-шароитлар,**  
**қулай бизнес-муҳит ўз самарасини**  
**бермоқдаки, бунинг натижасида**  
**рақобатбардор ва сифатли,**  
**импорт ўрнини босувчи махсулот**  
**турлари кўпаймоқда. Бундай**  
**махсулотлар ички ва ташқи**  
**бозорда харидоргир бўлиб,**  
**истеъмолчи талабини тўла**  
**қондирмоқда.**

Корхона махсулотларидан йирик қурилиш объектларида муваффақиятли фойдаланилаётганини ҳам айтиш лозим. «Нефтгазмонтаж» томонидан бунёд этилаётган кўпгина бина ва иншоотлар ана шулар жумласидандир. Шу ўринда буюртмачилар сафини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадидаги саъй-ҳаракатлар, яъни кўргазма ва саноат ярмаркаларидаги махсулотлар намойиши, кўрик-танловлардаги фаол иштирокларини ҳам қўрсатиш лозим. Президент саврини учун ўтказилган «Ташаббус-2010» кўрик-танловининг Сергели тумани ҳамда пойтахт босқинида ғолибликни қўлга киритиб, «Йилнинг энг яхши тадбиркори» номига сазовор бўлган тадбиркор жамоа республика босқинида ҳам фаол иштирок этиб, «Энг яхши ишлаб чиқарувчи» номинацияси бўйича совриндор бўлди.

Ривожланиш йўлидан бораётган корхонада янги цехлар очиб, уларни хорижий ускуналар билан жиҳозлаб, ўнлаб янги иш ўринлари яратиш бўлиб тутилган. Изланишлар эса самара бериши, шубҳасиз.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
**СУРАТДА: тадбиркорлар махсулот**  
**қадоқланишига ҳам катта эътибор**  
**қаратишмоқда.**  
**Козим Улмасов олган сурат**

**КУАЛА-ЛУМПУРДА ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ**

**Ўзбекистон Республикасининг Малайзиядаги элчихонаси томонидан мамлакатимиз**  
**транспорт-логистика салоҳиятининг тақдими ташкил этилди. «Навой» Эркин индустриал-**  
**иқтисодий ҳудуди фаолияти доирасида Навой шаҳар аэропорти базасидаги Халқаро**  
**интермодал логистика маркази томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг тафсилотлари**  
**ушбу тадбир давомидаги мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.**

Тақдимот маросимида «Fortune Global (International) Sdn Bhd», «On Time Malaysia Worldwide Logistics», «Gloshipping & Logistic Private Ltd.», «Pacific Heights Sdn Bhd», «Glomac Berhad» ва бошқа қатор транспорт-экспедиторлик компанияларининг раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир қатнашчилари Европа ва Осиё ўртасидаги асосий халқаро транспорт йўлаклари бўйида стратегик жиҳатдан қулай жойлашган Халқаро интермодал логистика марказининг омбор терминалларида экспорт-импорт ва транзит юкларини жойлаш ва сақлаш имкониятлари билан атрафчилик танишдилар. Шу билан бирга, «Навой» Эркин индустриал-иқтисодий ҳудудида хорижий сармоядорлар учун яратилган имтиёз ва қулайликлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар ҳам тақдимот иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Улар Навой шаҳридаги логистика маркази ҳақиқатан ҳам Европада Осиёга ва ақсина Осиёдан Европага юк ташини амалга оширадиган транспорт-экспедиторлик компаниялари учун минтақавий ва субминтақавий аҳамиятга эга эканлиги юзасидан яқдил фикр билдиришди. Навой шаҳар аэропорти базасида Халқаро

интермодал логистика маркази турли транспорт воситаларида юк ташини бўйича дунё логистика тармоғининг минтақавий маркази бўлиши учун барча имкониятлар мавжуд эканлиги қайд этилди. Шу боисдан ҳам Малайзиянинг транспорт-экспедиторлик ва авиация компаниялари Ўзбекистон билан тўлақонли ҳамкорликни ўрнатишга тайёр эканликларини маълум қилдилар.

Тақдимот чоғида унинг иштирокчилари мазкур логистика маркази қулайлиги жиҳатидан ноёб жойлашувга эга эканлиги истиқболда бу мажмуанинг «Навой» Эркин индустриал-иқтисодий ҳудудида ишлаб чиқариладиган махсулотлар экспорти учун ривожланган логистика масканига айлантирилиши таъминлашига умид билдирдилар.

Шунингдек, Малайзия компанияларининг раҳбарлари Ўрта Осиё, Форс кўрфазини ва Жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари йўналиши бўйлаб юк ташини учун Ўзбекистонлик шерикларга эга бўлишдан ҳамда Тошкентда ўз ваколатхоналарини таъсис этишдан манфаатдорлик ихоз этишди.

**«Жаҳон» АА**  
**Куала-Лумпур**

**«КОРЕЯ ТАЙМС»:**  
**“КОНСТИТУЦИЯ —**  
**МИЛЛИЙ**  
**ДАВЛАТЧИЛИК**  
**АСОСИ”**

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

«Конституциявий меъёрларнинг демократик моҳияти инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий давлатчиликни мустақамлаш, мамлакатда парламентаризмни ривожлантиришга кўмаклашди, деб ёзади «Корея таймс».

Жанубий Корея наشري Ўзбекистон Республикаси Асосий қонунида яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги эътироф этилгани хусусида ҳам атрафчилик тўхтаган. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, 2008 йил 1 январдан эътиборан ўлим жазоси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида қиқарилгани алоҳида таъкидланади. «Бу жазонинг бекор қилингани яшашга бўлган ҳуқуқнинг аниқ-равшан қонуний қафолати ҳамда демократик ҳуқуқий давлат қурилиши йўлидаги жуда муҳим қадам бўлди».

Маълумки, мамлакатимиз Конституциясида фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига алоҳида ўрин ажратилган. Мазкур мақолада бу жиҳат ҳам эътибордан четда қолмаган. «Сиёсий ҳуқуқларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши фуқароларга жамият сиёсий ҳаётида, давлат бошқарилишида иштирок этиш имконини яратади. Асосий қонунда белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти унинг бирдан-бир манбаи бўлган халқ манфаатларини қўзлаб ва Конституция ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади. Халқ давлатни бошқаришни бевосита ёки сайлаб қўйилган ўз вакиллари орқали амалга оширади. Референдумлар, юқори вакиллик органларига ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига сайловларнинг барчасида иштирок этиш - халқнинг давлатни бевосита бошқариш воситаларининг асосийлари ҳисобланади. Мустақиллик даврида ўтган референдумлар, Президент сайловлари, Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимиятларнинг вакиллик органларига сайловлар фуқароларнинг бу ҳуқуқларини самарали равишда ҳаётга тадбиқ этилаётганидан далолат беради. Сайловларда аҳоли иштирокининг юқори даражаси Ўзбекистон фуқароларининг ўз Ватани тақдирига бефарқ эмаслигини кўрсатади».

19 йил олдин қабул қилинган Конституция шу давр давомида мамлакат маънавий юксалишини ҳамда ижтимоий-сиёсий тараққиётининг ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилиб келмоқда. Давлатнинг иқтисодий ривожланиши мамлакат ҳар бир фуқароси ҳамда кўп миллатли Ўзбекистон жамияти учун муносиб ва барқарор турмуш тарзини таъминлашга йўналтирилгандир», деб ёзади «Корея таймс».

**«Жаҳон» АА**  
**Сеул**

**АРМИЯМИЗНИНГ**  
**ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ**

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Бизнинг мактабимизда ҳам тингловчиларнинг жисмоний ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларда замонавий технологиялар билан ишлаш қўникмаларини ҳосил қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Машғулотлар бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, кўргазмали воситалардан фойдаланган ҳолда олиб борилади. Назарий ва амалий машғулотларни самарали ўтказиш учун барча зарур ўқув воситалари мавжуд. Компьютер ва бошқа замонавий технологиялар имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда. Бир неча спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилган. Машғулотлардан кейин курсантларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам зарур шароитлар яратилган.

Дам олиш ва байрам кунларида шаҳардаги тарихий обидалар, музейларга саёҳатлар уюштирилади. Гуруҳлар ўртасида турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ўтказилади. Таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар билан ижодий кечалар ташкил этилади. Бундай тадбирлар бўлажак кичик командирларнинг маънавиятини юксалтириш, юртимиз тарихи ва маданияти ҳақидаги билимларини бойитишга хизмат қилади. Зеро, улар эртага Куролли Кучларимиз сафида офицерларнинг энг яқин кўмакчиси бўлади, айни вақтда аскарларнинг устози сифатида фаолият олиб боради.

— Ёшлгимдан ҳарбий бўлишни орзу қилар эдим, — дейди курсант Отабек Маҳмудов. — Бу ниятим Куролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш жараёнида янада қатъийлашди. Шу боис муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, шартнома асосида хизматни давом эттириш учун қолдим. Соҳага оид билимларимни ошириш, маълум бир мутахассисликни эгаллаш мақсадида сержантлар тайёрлаш мактабига ўқиш учун ҳужжат топширдим. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, мактаб тингловчиси бўлганимдан бахтиёрман. Бу ерда кичик командирлар учун зарур бўладиган кўп маълумотларни оляғимиз, билимларимизни чуқурлаштириб, зарур қўникмаларга эга бўлмоқдамиз. Мактабда олган сабоқларимизни келгусида аскарларга ўргатиб, миллий армиямиз куч-қудратини оширишга ҳисса қўшамиз.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**  
**ЎЗА муҳбири**







# 2012 ЙИЛ — МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

**Январь**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30	31					

**Февраль**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
		1	2	3	4	5
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29				

**Март**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30	31	

**Апрель**


Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30						

**Май**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
	1	2	3	4	5	6
7	8	9	10	11	12	13
14	15	16	17	18	19	20
21	22	23	24	25	26	27
28	29	30	31			

**Июнь**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30	31					



**Июль**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30	31					

**Август**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30	31	

**Сентябрь**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30						

**Октябрь**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30	31					

**Ноябрь**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30						

**Декабрь**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30	31					

## ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ АСОСИЙ ХИЗМАТЛАРИ

- Ёнги хавфсизлиги хизмати — 01
- Милиция — 02
- Тез ёрдам — 03
- «Тошгаз» авария хизмати — 04
- Кутқарув хизмати — 050
- «Сувсоз» ДУК — 054
- Коммунал хўжалигининг кечаю кундуз ишлайдиган диспетчерлик хизмати — 055
- Темир йўл бошқармасининг маълумотномаси — 005
- «Тошшаҳарйўловчитранс» такси буюртмаси — 062
- Дорихоналар бўйича марказий маълумотнома — 069
- Шаҳарлараро сўзлашувлар учун буюртмалар — 8191
- Ташкилотларнинг телефонлари ва об-ҳаво маълумотномаси — 09
- Шаҳарлараро телефон тармоғи маълумотномаси — 8194,8191
- Хонадонларнинг маълумотномаси — 009
- Шаҳар телефон тармоғи иши бўйича кечаю кундуз маълумотномаси — 064
- Фуқаролик хизмати бошқармаси — 235-81-75, 234-34-01
- «Тошкент» автовокзали — 279-39-15

## ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ХИЗМАТИ

- Тўғри ўтказгичларни таъмирлаш хизмати — 068
- Марказий алоқа тармоғи — 086 — 235-04-25 — 235-09-10
- Олмазор алоқа тармоғи — 229-04-25, 229-09-10
- Миробод алоқа тармоғи — 255-04-25, 255-09-10
- Мирзо Улуғбек алоқа тармоғи — 262-04-25, 262-09-10
- Чилонзор алоқа тармоғи — 277-04-25, 277-09-10
- Янгиобод алоқа тармоғи — 297-04-25, 297-09-10

## Қўнғироқ қилинг, сўранг, билиб олинг

### МАРКАЗИЙ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

- Ичимлик суви тармоқлари — 252-60-08, 252-55-78
- Шаҳар оқава сув тармоқлари — 235-40-11, 235-43-79
- Иссиқлик тармоқлари — 255-09-26

### «ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

- Марказий авария-диспетчерлик хизмати — 255-44-27
- Учтепа — 274-44-34
- Бектемир — 295-14-43
- Миробод — 254-15-61
- Мирзо Улуғбек — 267-19-47
- Олмазор — 248-35-48
- Сергели — 258-84-33
- Ҳамза — 296-39-61
- Чилонзор — 278-09-99
- Шайхонтоҳур — 242-39-26
- Юнусобод — 212-25-52
- Яккасарой — 255-49-59

### ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

- Марказий диспетчерлик хизмати — 233-77-53, 233-78-46
- Учтепа — 274-14-81
- Бектемир — 295-10-66
- Миробод — 291-15-92
- Мирзо Улуғбек — 267-58-15
- Сергели — 258-38-60

- Олмазор — 242-46-95
- Шайхонтоҳур — 278-87-11
- Ҳамза — 291-87-83
- Чилонзор — 271-13-63
- Юнусобод — 225-00-65
- Яккасарой — 250-19-67

### ТУМАН ҲОКИМЛИКЛАРИ ҚАБУЛХОНАЛАРИ

- Учтепа — 214-24-30
- Бектемир — 295-02-40
- Миробод — 233-29-86
- Мирзо Улуғбек — 268-94-04
- Олмазор — 227-11-03
- Сергели — 257-91-11
- Ҳамза — 283-33-32
- Чилонзор — 276-90-90
- Шайхонтоҳур — 241-26-00
- Юнусобод — 237-61-41
- Яккасарой — 255-74-49

### ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМЛАРИ

- Учтепа — 272-80-79
- Бектемир — 295-02-39
- Миробод — 293-18-95
- Мирзо Улуғбек — 267-33-50
- Олмазор — 246-09-90
- Сергели — 258-02-42
- Ҳамза — 296-06-30
- Чилонзор — 278-58-40
- Шайхонтоҳур — 288-31-90
- Юнусобод — 235-00-02
- Яккасарой — 255-94-96
- Шаҳар ИИББ ишонч телефони — 256-85-85

### ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИ

- «03» бўйича навбатчилар — 236-73-32
- Олмазор 2-болалар ва катталар — 248-46-77
- Шайхонтоҳур 1-катталар — 243-26-68, 243-07-34
- Учтепа 4-катталар — 275-46-99, 275-48-99
- Мирзо Улуғбек — Ҳамза 5-катталар — 266-44-27
- Юнусобод 6-болалар ва катталар — 212-45-11
- Яккасарой 10-катталар — 255-85-54
- Сергели 8-болалар ва катталар — 258-36-85, 258-70-76
- Чилонзор 9-катталар — 216-73-88, 216-73-89
- Миробод 7-катталар — 290-70-03 (01)

### МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТАСАРРУФИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМФАРМАСИ

- Тошкент шаҳар бошқармаси — 250-79-96
- Учтепа — 272-36-72
- Бектемир — 295-06-23
- Миробод — 256-54-96
- Мирзо Улуғбек — 269-14-60
- Олмазор — 246-90-17
- Сергели — 258-39-35
- Ҳамза — 297-58-17
- Чилонзор — 277-87-10
- Шайхонтоҳур — 249-06-34
- Юнусобод — 235-52-04
- Яккасарой — 250-53-36

### МЕҲМОНХОНАЛАР

- «Интерконтиненталь — Ташкент» — 120-70-00
- «Марказий» — 238-30-00
- «Ўзбекистон» — 113-11-11

